



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 30 июн, чоршанба № 105 (1738)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Хукумати, республика вазирилик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат иқтисодий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб бориладиган.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун, Аёллар йили муносабати билан Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг иқтисодий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони, бошқа бир қатор меърийдун ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, иқтисодий ҳаёт ва давлат қурилишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Марказда ва жойларда хотин-қизлар қўмиталарига кўпинча асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланган давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ақраблик қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди.

Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳоли, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътибордан четда қолмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракати, иқтисодий ривожланиш, қўйилган буладиган ташаббуснинг рағбатлантиришининг му-

а кўмаклашган бўлур эди. Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, қасанчилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарур. Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор.

Иш билан таъминлаш - хотин-қизлар муштақлиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир. Оналлик ва болалик муҳофазаси келиши соҳасида қабул қилинган барча меърийдун ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар ҳаттодан ўтказилиши, уларнинг амалга оширилиши таъминланиши зарур. Оналлик ва болалик самарали муҳофазаси қилиниши таъминладиган замонавий усуллари, илгор иш шакллари ва институтлари (скиринг, патронаж ва бошқаларни) фаол ривожлантириш лозим.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидадарастлик мафқурасининг олғини заҳарлайдиган таъсирдан, гирҳандлик ва бошқа салбий кўриinishлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак.

Хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаолигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг ҳалқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-муруват, таълим ва бошқа соҳалардаги ҳалқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш мақсадлари алоҳида эътиборни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг иж-

га олган ҳолда тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Бунда оромгоҳ жойлашган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, аъёналари ва шароитлари, болаларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган. Айниқса, «Сен Ўзбекистонни биласанми?» кўрик-танлови ўзига хослиги билан ақраблик турди.

— Хозирча 10 та ана шундай тадбирлар ўтказдик, - дейди бош етакчиси Н.Файзиёв. — Учта гуруҳнинг ҳар бири тўплаган очколар алоҳида қайд этиб борилади ва мавсум охирида умумлашти-

риблиб, голибларга қимматбахот эсдалик совғалари топширилади. Ш.Абдуллаев раҳбарлигидаги 3-та тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бош етакчи Нодир Файзиёв болаларнинг истак-хоҳишлари, қизиқишларини ҳисоб-

чилик қобилиятларини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама камол топишларида оромгоҳ катта тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бош етакчи Нодир Файзиёв болаларнинг истак-хоҳишлари, қизиқишларини ҳисоб-

— Кунларнинг қандай ўтиб кетганини сезмай қолибмиз, - дейди Жиззах шаҳридаги 2-мактаб ўқувчилари Юлдуз Иномова ва Гулноза Қаршиева. — Ҳар хил кўнгилочар тадбирлар бизга қувончли оналари тақдим этмоқда.

Элёр Содиков билан Хасан Абдуллаевлар Самарқанд шаҳридан келишибди. Улар шаҳардаги 5-, 14-мактабларнинг 6-синф ўқувчилари экан.

— Зомин ҳақида, унинг мафтункор табиати тўғрисида эшитган эдик, - дейди улар. — Мана энди унинг мусоффо ҳавосидан нафас олиб, гўзал табиати кўноғидали-

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги Бувайда хиссадорлик жамияти жамоаси сўнги пайтларда оғир учун эмас, бозор учун махсулот ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратмоқда.

МАХСУЛОТ СИФАТИ ОШМОҚДА

Жамиятда 1450 нафар ишчи меҳнат қилади. Махсулот сифатини ошириш мақсадида иш икки сменада ташкил этилган. Ҳозирги пайтда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1500 тонна калава ипни ташкил этмоқда.

— Корхонамиз яқин кунларда тўлиқ ишга тушса, ишчилар сони уч минг нафарга етади, - дейди корхона бошқаруви раиси ўринбосари Баҳром Юсупов. — Бизнинг махсулотлар нафақат ички бозорда, балки МДХ давлатларида ҳам ўз хариддорини топоқда.

Суратларда: илгор ишчилар Муҳаббат Набиева ва Муассар Жумақўзиёвалар, М.КОДИРОВ (Ўза) олган суратлар



СЕРТИФИКАТ БЕРИЛДИ

Оролбўйида янги иш ўринлари яратиш, ёшларга тадбиркорлик асосларини ўргатиш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг янги лойиҳаси амалга оширила бошланди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси «Бизнес инкубатори» мутахассислари Мўйнок туманида ташкил этган махсус ўқув курсида ўттиздан ортиқ йигит-қиз сабоқ олди. Машулот сўнгида тингловчилар олган билим ва кўникмалар тест синовлари орқали баҳолалиб, уларга сертификат берилди.

«Шератон» меҳмонхонасида Марказий Осиёда соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатиш сифатини ошириш мақсадларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «ЗдравПлюс» лойиҳаси, АКШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам мутахассислар иштирок этиди.

ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Анжуманда мамлакатимиз Президенти Илоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури изчиллик билан амалга оширилаётгани, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш давомида соғлиқни сақлаш тизимини молиялашнинг қатъий механизми ишлаб чиқилди. Тиббиёт муассасалари ва кадрлардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунинг билан кўрсатиш хизмати фаолияти, айниқса, кишлоқ жойларида янада яхшиланяпти.

«ЗдравПлюс» лойиҳасининг минтақавий директори Бруно Буше Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай ишлар таърибаси диққатга сазовор экани ва уни бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўрганса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Анжуманда тиббий ёрдам самардорлигини оширишда исботлаш усулидан фойдаланиш, амалга оширилаётган дастурлар сифатини янада яхшилашга оид масалалар муҳокама этилди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан «Ўзбекистон Ватаним меним» республика кўшиқ кўрик танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда ўндан зиёд ёш ижрочи иштирок этиди.

«Фарҳод» маданият саройи хонандиси Шерзод Давронов биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди. (Ўза)

Касаба уюшма фаоллари ВОҲИДОВНИНГ БИР КУНИ

Саранжомликни, тартиб-интизомни хуш кўрадиган жонсарақ бу одамни ҳар сафар ё иш устида, ё бирон манзилга шошиб турганда учратаман. Гўё дунёда у учун ишдан бўлак ҳеч нарса йўқдай. Баъзан бери зиркиб оғриганида бундан бешолти йил олдин Самарқандда умуртқа поғонасидан операция қилинганини, эрта-инди деб умуртқага боланган син имни халғичага олдириганини эслаб қолади. Уйғун домланинг қаҳрамони Назир отага ўшаб бир гулдариб олади-да, қўл сийтаб яна аламини ишдан олади. Ана шундай одам бизнинг Даврон Воҳидов.

У кўп йиллар масъул лавозимларда ишлади. Агротасида мажмуи ҳодимлари касабга уюшма вилоят қўмитасига қатор йиллар раҳбарлик қилди. Агар ҳаёт мазмуни йиллар билан эмас, лаҳзалар билан ўлчанадиган бўлса, Даврон Воҳидов чинакам бахтли одам. Унинг одамлар деб, уларнинг манфаатлари деб қилган хизматларини навоийликлар, қолгилар, қизилтепалликлар тасдиқлаши мумкин.

Навоий шаҳридаги «Муруват уйи» тарбияланувчилари ҳар йили ёзда дам олиш учун Қизилтепага ке-

лишади. Бу ерда уларни она бағридек иссиқ ўрин, илқ меҳр билан қаршилашади. Баъзи туманларда битта оромгоҳни ишлатиш имкони топилмаган бир шароитда, бу ерда икки оромгоҳ ҳар йили ишлайди. Ёзи мавсум аввалда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг гоҳ у ери, гоҳ бу ери бўлилади, деб қилган инжиқликлари, тижирликларига чидашининг, ҳаммаси рисоладагидек бўлиши учун маблағ топилишининг ўзи эмас. Демак, бу савобли ишга ҳужалиқларни, фермерларни, хомийлик қиламиш, деган қорхона-ташкilotларини жалб этиш керак. Ҳар йили шундай бўлади. Ҳеч ким бундан оғринмайди ҳам. Чунки оромгоҳ ҳисоб рақамига пул ўртақабтланлар бу маблағ эртани кунимиз бўлган болаларнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун хизмат қилишини яхши тушунишади.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Шабон Набиев йўлбоз бўлиб эртан ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган одам. Бу йилгиси, айниқса бўлакча бўлди. Ётоқхоналарга ял-яқча, юмшоқ жиҳозлар, кўрпа-ёстиқ, чойшаб тўпаллари, сочликлар, дераза-эшик пардалари келтирилди, оёқ ости Хива гиламлари билан безалди. Ошхонага чиниворлар, тиббий

пунктга дори-дармонлар олиб берилди. «Зарафшон» бурдоқчилик ҳўжалиги қолбаса, «Зарафшон», «Бухоро» ширкат ҳўжаликлари гўш махсулотлари билан бепул таъминлайдиган, дехқон-фермер ҳўжаликлари эса мева-сабзавот махсулотларини арзон нархларда етказиб берадиган бўлди. Туман ҳўкимлиги ҳар иккала оромгоҳга биттадан рангли телевизор совға қилди. Йўлнамачи учун ота-оналардан олинган пулдан ҳам воз кечишди. Шундай қилиб, «Дўстлик» ва «Нимкон» оромгоҳларида хозирга қадар 200 бола дам олдирилди. Улардан 75 нафарини «Муруват уйи» болалари ташкил этган бўлса, қолганлари ҳам даромадли оилаларнинг фарзандлари ҳисобланади. Бу йил оромгоҳларда болалар 4 навабда дам олдирилиши режалаштирилган. Зилол сувли бассейни, шинам спорт майдончалари, турли бешлашулар ўтаётган дам олиш хоналари болаларнинг энг севимли жойларига айланган. Савобли, хайри ишларни кўрмоқчи, урганмоқчи бўлсангиз Қизилтепага келаверинг.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Ўзги соғломлаштириш — юксак масъулият

гимиздан бахтиёримиз. Биз бу ерда кўплаб янги дўстлар орттирдик. Яна бу ерга келиш ниятимиз бор.

Айтишларича, оромгоҳи мавсумга шайлашга самарқандлик усталар ҳам ҳисса қўшишибди. Бугун ана шу ҳамкорларнинг 16 нафар фарзанди ушбу оромгоҳда дам олишяпти.

«Ўзбекистон-Индонезия Интернейшнл» қўшма корхонаси Жиз-

фарзанди мириқиб хордик чиқармоқда экан. Улар маъмурият ҳисобидан бепул йўлланмалар билан таъминланган.

Бош ошпаз Ҳўжам Шайзоқов ва унинг шогирдлари тайёрлаётган ширин ва мазали таомлар болаларга манзур бўлмоқда.


Зоминнинг Тоттерак қишлоғидаги сулим табиат кўноғида жойлашган «Наврўз» болалар оромгоҳи Пахтакор туманидаги А.Икромов

Қаршибоева аниқ иш режаси асосида болаларнинг дам олишлари завоқли, эсда қоларли бўлишига ҳаракат қилаяпти. Айниқса, «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», «Аския кечалари» кўпчиликда кизиқиш уйғотди. Спорт ўйриқчилари Фарҳод Ахтоев, Уктам Норбоев болаларни машгулотларга жалб қилмоқда. Улар ўртасида футбол, каратэ, сузич, волейбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

«Кувнок» стартлар» мусобақалари болаларга алоҳида қувонч бағишламоқда. Отабек Соатов, Хуршид Тожибоев, Ойбек Ботиров сингари ўқувчилар ўз маҳоратларини намоян этишяпти. Мансур Абдумуродов билан Сирож Хасановлар Пахтакор туманидаги 8-мактаб ўқувчилари. Улар спортнинг каратэ, турига қизиқишади. Тажрибали шифокор Шавкат Сангиров болалар саломатлиги йўлида фаол ишляпти. Хомийлар кумағида 450 минг сўмлик 42 хил дори-дармон, вакциналар олинди.

Жиззах вилояти бўйича фаолият юритаётган 17 та болалар оромгоҳларининг барчасида бугун ана шундай қайноқ ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Зомин, Баҳмал, Фаллаорол, Жиззах, Форш тоғлари кўйида жойлашган оромгоҳлар мактаб ўқувчилари учун мароқли хордик чиқариш масканига айланган.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири Суратларда: «Наврўз» ҳамда «Алоқачи» болалар оромгоҳлари ҳаётидан лавҳалар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

(Боши 1-бетда)

3. Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофазаси қилиш комплекси (С.Т.Иномова), Ижтимоий комплекс (А.А.Азизжўраев) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг ижросини ўрганиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг оила, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма йиғилишида қўриб чиқиш учун таъйинлади.

4. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари:

15 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмиталари раисларининг функционал вазифаларини, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда, қайта қўриб чиқин ва тасдиқлаш, бунда уларнинг хотин-қизлар, ёш аёллар билан самарали иш олиб боришни таъминлаш бўйича ваколатларини кенгайтиришни назарда тутсин;

15 августгача хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонидида қўйилган вазифалар асосида уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ошириш ишларининг аҳолини ҳар бир туман, шаҳар бўйича ўрганиб чиқин ва таъинлаш бўлисин;

1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратларини юқори касб маҳоратига, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда одамлар билан ишлаш оладини мутахассис кадрлар билан тўлдирсин;

фуқаролар йиғинларининг

диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича масалаҳатчилар лавозимларини энг обрў-этиборли ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдирини таъминласин.

Маъмур ишларнинг туман ҳудудидagi ҳар бир алоҳида маҳалла бўйича бажарилиши учун жавобгарлик шахсан туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига юклансин. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М.Мирзиёев) қўрсатиб ўтилган ишларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин. Маъмур ишларни жорий йилнинг 1 декабрга-ча тугалласин.

5. Оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофазаси қилиш комплекси (С.Т.Иномова) «Маънавият ва маърифат» маркази (Қ.А.Аъзамов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ш.Ш.Миноваров) хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва уларга таълим беришни кучайтириш бўйича қуйидаги мақсадларга қаратилган чора-тадбирлар дастури билан иш олиб боришни таъминласин:

маҳаллалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги хотин-қизлар ўртасида уларни ахборот билан таъминлаш, замонавий ҳаёт тақозо этаётган мутахассисларга ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш; хотин-қизларга диний билimler ва миллий-диний анъаналар асосларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда дунёвий ва диний қарашлар қарама-қаршичилигига йўл қўймаслик; диний экстремизм ва ақидадарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигини бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш.

6. Бош прокуратура

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 июн

(Р.Х.Қодиров) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқин ва амалга оширини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А.Полвонозод), Бош прокуратура (Р.Х.Қодиров) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шогуломов) билан биргаликда бир ой муддатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида таъйинлаш ва нашр этсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов) «Маҳалла» жамағатлари (А.Г.Ғадирбоев), Ўзбекистон «Амалдор» «Камолот» ижтимоий ҳаракати (Б.Х.Убайдуллоев), жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда 2004 йил 1 августгача бўлган муддатда маҳаллалар, қишлоқлар ва овулларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидадарастлик кўринишлари ва бошқа ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олиш бўйича ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқин ва амалга оширини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Х.Ҳазраткулов), «Узтелеграф» компанияси (А.К.Кучимов), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шогуломов) хотин-қизлар тақвирларининг хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдаги ижобий иш таърибасини, уларнинг фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги тобора ортиб бораётган ролини тарғиб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар курсин, хотин-қизларнинг, айнқисса, қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларнинг ҳаётини, қундалик меҳнати ва турмушини кенг ёритсин.

10. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараккиётнинг кенг истиқболлари очилди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танаб олинди. Бу йўл моҳити Президентимиз асарларида, маъруза ва нутқларида ўз аксини топган. Ва айтиш жоизки, ўзига хос янгича ёндашувга асосланган макроеқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида 2001 йилдаёқ Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб 1990 йилги даражадан 103,1 фоизга ўзиб кетди.

Ўзбекистонда янги ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2003 йилда 1991 йилга нисбатан 111,4 фоиз (МДХ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич)ни ташкил этди. Аини пайтда Молдовада бу кўрсаткич 51,6 фоиз, Тожикистонда 54,3 фоиз, Грузияда 57,1 фоиз, Украинада 58,8 фоиз, Озарбайжонда 80,1 фоиз, Қирғизистонда 81,2 фоиз, Россияда 83,3 фоиз, Белорусда 105,4 фоиз, Қозғистонда 106,1 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, макроеқтисодий барқарорлаштириш, бозор ва институционал ҳамда иқтисодиётда чуқур тарқибий ўзгаришларнинг қўшиб амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб барқарор ўсиш йўлига ўтди. Мамлакатимизда макроеқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда. Кейинги 8 йил давомида янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда. Масалан, ЯИМ 2002 йилда 104,2 фоиз, 2003 йилда 104,4 фоиз ва 2004 йилнинг биринчи чорагида эса 4,8 фоизга ўсди. Бундай ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон санаятида ҳам юз бермоқда. Олдинги йилга нисбатан санаат маҳсулотини ишлаб чиқариш 2003 йилда 106,2 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида 8,8 фоизга кўпайган. Умуман санаат маҳсулотлари мустақиллик йиллари давомида 36 фоиздан ортироқ ўсди.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам маълум ютуқларга эришилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини таъйирлаш тизимини ташкил этишни яхшилаш

бўйича амалга оширилган ташкилий-иқтисодий чоралар 2003 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг 5,9 фоиз ўсишини таъминлади. Бу ўсиш асосан чорвачилик маҳсулотларининг кўпайиши ва фермерликнинг ривожланиши ҳисобига эришилди. ЯИМда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг улushi 28,8 фоизни ташкил қилди.

Шуни айтиш лозимки, эндиликда бизни ЯИМ ўртача йиллик ўсиши суръатининг 4-4,5 фоизда бўлиши қониктирмайди. Шу боисдан келажда, яъни 2010 йилга қелиб, ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатини 6-8 фоизга, санаат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини 7-8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш суръатини 6-7 фоизга етказиш мўмкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Инвестиция сиёсатини ўзгаришининг моҳити шундан иборатки, у бутун иқтисодиёт каби энг аввало барча ресурслардан инсон манфаатлари йўлида «самарали фойдаланишга» йўналтирилгандадир. Бунда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш асосий вазифадир. Бу вазифаларни бажариш учун инвестициялашнинг барча манбаларидан фойдаланиш зарур (бюджет маблағлари, ташқи кредитлар, тўғри инвестициялар ва бошқалар).

Кейинги йилларда чет эл инвестицияларининг республикамиз иқтисодиётига кириб келиши учун бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди ва улар учун қулай инвестицион муҳит яратилди. Чет эл инвест

ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж ўзи ҳисобидан тўла таъминлади ҳамда озубабоп галла импортга қарамликдан барҳам топиб, галла мустақиллиги қарор топди. 2002 йилда мамлакатимизда 5 миллион 792 минг тонналик, 2003 йилда эса 6 миллион 362 минг тонналик хирмон бунёд этилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, тарқибий ўзгаришларни ҳар бир йўналишда амалга ошириш инвестицион сиёсатни тубдан ўзгариштириш талаб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналиши-

тициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар йил сайин ортиб бормокда. Масалан, бу кўрсаткич 2001 йилда 611,7 миллиард сўм бўлган бўлса, 2002 йилда 871,3 миллиард сўм, 2003 йилда эса 1230,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Ёқилғи-кимё ва нефтькимё, енгил, озиқ-овқат, электротехника санаоти ва автомобилсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. 2003 йилда хоржий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига республикадаги умумий экспортнинг 15,2 фоизи ва импортнинг 29 фоизи тўғри келди.2002

иш билан

ЎЗБЕКИСТОН тарқибий ўзгаришлар

лари, экспорт имкониятининг кенгайишига бақувват инвестиция сиёсати ўтказиш йўли билангина эришиш мўмкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

йилда республика иқтисодиётига жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 2001 йилга нисбатан 3,8 фоизга ўсиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллиард АҚШ долларидан ортиғи ёки 20 фоиздан кўпроғи хоржий инвестициялар бўлди. 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни 2002 йилга нисбатан 4,5 фоиз кўп сармоя киритилди. Хоржий инвестициялар ва кредитларнинг умумий миқдори 602,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш зарурки, тарқибий ўзгаришларни амалга оширишда фақатгина ташқи манбаларга ишон тўғри эмас, биз ўзимизнинг ички резерв ва инвестицион манбаларимиздан ҳам умумли фойдаланишимиз зарур. Бу борада Президентимиз шундай деган эдилар: «Биз ўз мамлакатимиз ва ўзимиз учун зарур жағмаларни тўплаб олганимиздан кейин ва жағмаларлар етакчи, авва-

ХОМРОБОДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Қизилтепа туманидаги Хомробод қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Етти мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатадиган бу муассасани «Зилола пойдевори» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари бунёд этди.

Қишлоқ аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча қўлайликларга эга мазкур шифохона қурилиши ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши учун қарий 70 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда акушер-гинекология, физиотерапия, стоматология, оналар ва болалар ҳамда умумий амалиёт хоналари ишлаб турибди.



«Қашқадарё почтаси» очик хиссадорлик жамияти Шаҳрисабз туман бўлими ходимлари мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда. Хусусан, обуначиларга газета ва журналларнинг ўз вақтида етиб боришини таъминлаш борасида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Суратда: жамият раиси Баҳром Раҳмонов ва алоқачи Гўлчехра Жамиловалар.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

«Нукус таксопарки» хиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини тақомиллаштириб бормокда. Исламшариф жамоа техник имкониятларини кенгайтириб, корхонанинг моддий базасини мустаҳкамлаб бормокда.

ОДАМЛАР МАНЗИЛИНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

Аини пайтда йўловчиларга 47 та «Дамас», 27 та «РАФ-2203», 16 та «Отойул» автобуслари хизмат кўрсатяпти. Тендер савдоларида ғолиб-ликни эгаллаган автотранспортчилар шаҳар ҳудудида ўндан ортиқ йўналишлар бўйича хизмат қилишяпти. Хар куни банк муассасаларига 550-600 минг сўм нақд пул топшириляпти.

— Ассий эйтибор хизмат самарадорлигини оширишга қаратилган, — дейди биз билан сўхбатда жамият раиси Тилеген Абдураҳмонов. — Йўналишлар бўйича йўловчилар талаби пухта ўрганиб чиқилди.

Автомобиллар техник-иқтисодий аҳолини яхшилаш йўлидаги ишлар самара берди. Бунга кейинги тўрт йилда қарий 140 миллион сўм маблағ сарфланиб, 29 та «Дамас» машинаси сотиб олинди. Кредит ҳисобига автобус ва енгил автомобиллар таъмирдан чиқарилди, цехлар ва иш жойларининг санитария-ҳавфсизлик ҳолати тартибга келтирилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилинади. Носоз транспортларнинг йўналишларга чиқишига йўл қўйилмайди. Йўловчиларнинг кўп кутиб қолмасликларини учун автомобиллар қатновида

қатъий тартиб ўрнатилди.

Ярим йилликда 80 миллион сўмдан ортиқ пул ишлаб топилди, банкка топширилди. Хайдовчилар, таъмирчилар ва бошқа муҳандис-техник ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланган. Олиб келинган янги машиналар тажриба ва малакали хайдовчиларга тарқатилди. Тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш, техника, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига амал қилиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Автомобиллар шартнома асосида бир йил муддатга ижарага берилди. Хар бир хайдовчи ишлаб топган маблағнинг 10 фоизини оиллик маош сифатида олади. Белгиланган вақтдан ортиқ ишлаганларга қўшимча ҳақ тўланади. Ходимларга қўшимча таътил, тўй-маърақаси учун бепул транспорт берилди.

Қорақалпоғистон пойтахтида бўлсангиз, физиллаб қатнаётган «Дамас» такси машиналари ва «Отойул» автобусларига кўзингиз тушади. Одамлар манзилини яқин, мушкулени осон қилаётган замонавий автомобиллар хизматидан йўловчилар мамнун.

Ёлқин

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасида гапирилганди ЧОРВАЧИЛИК «ЎҒАЙ» СОҲАМИ?

Юртбошимиз 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида сўт ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни янада яхшилаш ҳақида гапириб ўтганди. Бу бежиз эмас. Чунки хали бу борада муаммолар бисёр.

Масалан, Хоразм вилоятида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари га бўлган эҳтиёжини қондиришда оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Кўпгина ширкат ҳўжаликларида ферма бинолари ҳудудлаб ётибди. Бир вақтлар мингдан зиёд қорамоллари бўлган баъзи фермаларда ҳозирги кунга келиб 30-40 бош мол боқилаётгани кишини ташвишга солади. Тўғри, вилоятда 70 га яқин чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган фермер фаолият кўрсатмоқда. Яъни ҳўжаликларда шу кунга келиб 12 минг 647 бош қорамол парварши қилинмоқда. Аммо бу бутун бир вилоят учун денгиздан томчи ҳолос.

Хўш, нима учун вилоятда қорамоллар сони камайиб кетди? Ушбу оаволга бир неча сабабларни руқач қилиш мўмкин. Мисол учун айрим ширкат ҳўжаликларида чорвадорларга иш ҳақи тўлаш борасида юзага

йили вилоятда ҳар бош соғин сурдан 545 қилограмдан сўт соғиб олинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Айнқисса, вилоятнинг Қўшқўпир, Боғот, Урганч ҳамда Гурлан туманларида соғин сизирлар белгиланган рацион асосида боқилмаганлиги учун ҳар бош соғин сизирдан соғиб олинаётган сўт миқдори кунига 1 килограммга ҳам етмаётди.

Хоразмда қорамоллар сонининг кескин камайиб кетишига яна бир сабаб гўштага топшириляётган моллар тирик вазнининг ниҳоятда пастлигидир. Кўпгина туманларда ўтган йили ўртача вази 120-135 килограмм бўлган қорамоллар ҳам гўштага топшириб юборилган.

Қаердаки чорвачиликка «ўғай соҳа» сифатида қаралса, уша ерда иш бароридан келмайди. Шундай экан, воҳанинг бу ишга мутасадди раҳбарлари вужудга келган оғир аҳолини ўнғлаши, камчилиқ ҳамда хатолардан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак.

Б.ЭРНАФАСОВ,
Н.РАФИҚОВ
«Ишонч» мухбирлари

САЙЛАНМА ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Езувчилар уюшмасида шоир Мирпўлат Мирзонинг «Сайланма» китоби тақдимоти ўтказилди. Мирпўлат Мирзо қарийб қирқ йилдан буён ижод қилиб келётган захматкаш шоирлардан бири ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида унинг ўнга яқин тўпламлари ўқувчилар қўлига етиб борди. Шоирнинг «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган сайланма беш бўлимдан иборат бўлиб, у энг сара ижод намуналарини ўз ичига олган. Китобда Ватанинг ўтиши, бугуни ва истикбол, шунингдек, жамият ва табиат, ҳаёт ва инсон, муҳаббат, унинг қувонч ва изтироблари куйланади.

«Туркистон-пресс»

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Самарқанд туманидаги «Мароқанд-Парранда» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси бир неча йилдирки, эл дастурхонини парhez гўшт ва тухум билан тўлдиршига салмоқли хисса қўшиб келмоқда.

Хозир бу ерда ойига тўрт миллион донга тухум етказиб берилмоқда. Ишчилар сони 150 нафарга етди. Йилга фақат тухум таъйирлаш билан чекланган корхонада ҳозир тонналаб парhez гўшти таъйирланмоқда.

Бундан ташқари, корхонада насли жўжа етиштириш йўлга қўйилган. Ойига 500 минг донга жўжа мамлакатимиздаги паррандачилик фабрикалари ва аҳолига сотилмоқда. Корхонада парвариланаётган товуқлар сони эса икки юз мингдан ошди.

(ЎЗА)

Қинғир иш - келтирар ташвиш

Доно халқимизнинг шундай пурҳикмат сўзи бор: «Қинғир ишини қийин қирқ йилда ҳам чиқар». Дарҳақиқат, ҳаққонийлик, тўғрилик ила уйғунлашмаган, ақсинча, ёлгон аралашган, бойлик орттириш илин: жидда — нафс йўлида амалга оширилган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг охири вой бўлиши турган гап.

НАРКОБИЗНЕСНИНГ ПАЙИ

Кирқилди

Янгиерлик Қурбонали исмли шахс мамлакатимизда 400 граммдан ортиқ геронин моддасини олиб — кирмоқчи бўлганида божхона хизмат ходимлари томонидан қўлга олинди.

— Кейинги пайтда вилоятда гўёхванд моддаларнинг ноқонуний олди-соттисиди билан шуғулланидиган бир неча жиноий гуруҳ аниқланди, — дейди Сирдарё вилояти божхона бошқармаси бошлигининг ўринбосари Иброҳим Хайдаров. — Жиноятчиларнинг ушбу туруи бўйича 175 киши жиноий жавобгарликка тортилды. Бу барча ҳуқуқ-тартибот органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Божхона постларимизда қарий бир ярим қилограмм миқдорда турли гўёхванд моддалар мусодара қилинди.

Вилоятда бошқа тадбирлар ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда. 737 квадрат метр жойга экилган кўкнори ва тарқибда бошқа наркотик моддалар бор ўсимликлар аниқланди, йўқ қилинди.

Мирзохид ҚОСИМОВ,
Янгийўл туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

(ЎЗА)

ло, ўзак тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлайди. Одатда, чет эл сармоялари тез фойда келтирадиган соҳага сарфланади. Ажнабий сармоядорлар биз учун муҳим бўлган таркибий ўзгаришларга оид муаммоларни ҳал этишга, катта фойда келтирмайдиган, лекин республика ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган тармоқ ва корхоналарни устувор ривожлантириш учун кўплаб сармоя сарфлашга унча қизиқмайди. Шу сабабли биз иқтисодий мустақилликни таъминлаш

ди. Гарчи 1991 йилда ЯИМнинг 37 фоизидан ортиги қишлоқ ҳўжалигида яратилган бўлса-да, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ ҳўжалигида яратилган истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилмас эди. Агар биз ушбу кўрсаткичларни ривожланган мамлакатлар ЯИМни таркиби билан солиштирсак, бошқача ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Ривожланган мамлакатлар ЯИМда қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг улуши 2 фоиздан 10 фоизгача тебраниб туради.

Ўзбекистон иқтисодиётида вужудга келган ушбу ҳолатни қишлоқ

эса - 71,5 фоизга тенг бўлган). 2003 йил якули бўйича Ўзбекистон аҳолисининг сони 25,7 миллион кишини ташкил этди. Аҳолининг табиий ўсиши 372,8 миң кишига кўнайди, 2003 йили мамлакат меҳнат ресурслари 2002 йилга нисбатан 3,2 фоизга ўсиб 13597 миң кишига етди, иқтисодий фаол аҳоли 9621,2 миң кишини ташкил этди. 2003 йилда республика аҳолисининг 68,2 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлди.

2003 йилда республикада аҳоли бандлиги 2002 йилга нисбатан 2,7 фоизга ёки 256 миң кишига ошди. Ўзбекистон иқтисодиётида аҳоли бандлиги таркибининг тахлили орқича ишловчиларнинг қишлоқ ҳўжалиги банд бўлиши кўрсатмоқда. Ҳозир қишлоқ ҳўжалигида банд бўлганларнинг улуши иқтисодий фаол аҳолининг 30 фоизидан ортигини ташкил қилади. 2003 йилда республика аҳолиси 25,7 миллион киши бўлган бўлса, шундан 9589 киши иқтисодиётда банд бўлган. Саноат тармоқлари ва ижтимоий соҳалар етарли даражада ривожланмаганлиги, уларда банд бўлганлар улушининг озлиги қишлоқ ҳўжалигида орқича иш кучи мужассамлашишига олиб келди. Ҳисоб-китобларга қараганда, республикада 1 миллиондан ортқроқ ишчи кучини қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини қаматирамаган ҳолда корхоналардан овоз қилиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалигида орқича ишчи кучини бўшатил талаб даражасида эмас. Масалан, 2003 йилда аграр соҳада ишловчилар сони 4,6 миң кишига ёки 0,2 фоизга камайди, 2002 йилда эса 16,0 миң киши ёки 0,5 фоизни ташкил қилган эди, бундан кўрадики 2003 йилда ушбу жараён биринчунан сустлашган.

2003 йилда аҳоли бандлигининг асосий ўсиши иқтисодиётнинг нодавлат сектори томонидан таъминланди, бунинг натижасида ишловчилар сонидаги унинг улуши 2002 йилдаги 76,5 фоиздан 77,2 фоизга ошди.

Хусусан, тадбиркорлик соҳасида 2003 йилда 375 миң янги иш ўрин-

ларини яратилиши аҳоли бандлигини таъмин этишда катта рол ўйнади. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ ҳўжалигида бандлар иқтисодиётда умумий банд аҳолининг 2-7 фоизга тенгдир. (Буюк Британияда - 2,6 фоиз, АКШда - 3,3 фоиз, Испанияда - 4,0 фоиз, Германияда - 5,5 фоиз). Республика иқтисодиёти иқтисодий фаол аҳоли бандлиги таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси иккинчи ўринда турса ҳам (38,3 фоиз), шаклланиб бораётган бозор иқтисодиёти талаблари даражасида эмаслигини, ривожланган мамлакатларда мазкур кўрсаткич Ўзбекистондагига нисбатан ўртача 1,5-2 баробар каттадир. Масалан, ушбу кўрсаткич АКШда 62,4 фоиз, Германияда 53,7 фоиз, Буюк Британияда эса 65,1 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориб таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш зарур. Давр шуни тақозо этмоқда. Бунда, албатта ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга, кичик ва хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали янги иш жойларини ташкил этишга, экспортга чиқариладиган маҳсулот турлари ва ҳажмини ошириб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодиётни янада ривожлантиришга, жамият иқтисодий соҳахиятини ўсишига, қишлоқ ҳўжалигидаги мавжуд орқича ишчи кучи ресурсларини бошқа соҳаларга самарали тақсимлашга, янги қўшимча иш ўринларини кўпайтиришга ва аҳоли даромадларини кўпайтириб, уларни фаровонлигини янада оширишга, республикамизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлашга олиб келади.

Шеркул ШОДМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор
Турғун ЗИЯЕВ,
фахрий доктор
Аброр ҚОБУЛОВ,
доцент

Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш, автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳамда солиқларнинг ўз вақтида давлат хазинасига тушишини назорат қилишда соҳа ходимларининг хизматлари катта бўлаёттир. Хусусан, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан 1612 та йўловчи ташвиш енгил автотранспорт воситалари рўйхатида олинган. Республикада



Биринчилардан бўлиб ушбу хукукка эга бўлган автоулов эгалари солиқ идорасидан берилган махсус йўналиш ёрликлари билан таъминланди.

Суратларда: шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими Жасур Тожиёв автоулов эгаси билан мулоқотда; автотранспортга жорий қилинган ёрлик кўриниши

Д. ДОНИЁРОВ
олган сурат

ИҚТИСОДИЁТИ ва унинг аҳолининг бандлигига таъсири

мақсадда ўзак тармоқларни ривожлантириш учун ўз сармоя манбаларини қидириб топшимиз шарт». Шу мақсадда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб корхоналар ва аҳолининг инвестицион фаолиятини фойдалантирувчи кучли иқтисодий механизмларни яратиш бўлиб қолмоқда. Бу механизмларга мисол қилиб ишлаб чиқаришни инвестициялашга йўналтирилган маблағларни имтиёзли солиққа тортиш ва бошқа чора-тадбирларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон янги ички маҳсулоти таркибининг 1991-2003 йиллардаги ўзгаришини тахлили шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида ЯИМда қишлоқ ҳўжалигининг улуши камайиб бормоқда. Хусусан, 1991 йили 37,2 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда у 30,1 фоизни, 2001 йилда эса 30,2 фоизни, 2002 йилда 30,1 фоизни, 2003 йилда 28,8 фоизни ташкил қил-

ҳўжалигида меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлигининг пастлиги, етиштирилган маҳсулотнинг жуда оз қисми қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилиши ва қолган қисми эса хошмаш сифатида экспорт қилиниши орқали тушунтириш мумкин.

Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланганлиги ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражаси пастлиги сабабли республикада хизмат кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаган эди. Утиш даврининг эркинлаштириш босқичида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли даражада ўсган бўлса ҳам (24,9 фоиз - 1991 йил, 37,2 фоиз - 2002 йил, 38,3 фоиз - 2003 йил) жамият эҳтиёжлари ва амалиёт ушбу ўсишнинг етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этади. (АКШда 1998 йил бу кўрсаткич - 72,1 фоиз, Францияда

асосида кенг қўламда ишлар амалга ошириляпти. Хива Даниянинг Струе ва Латвиянинг Валмираса шаҳри ва Тумани билан бирдорлашган. Бундан 3 йил муқаддам мамлакатимизда ягона бўлган Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази ташкил этилди. Айни пайтда ун иккита меҳмонхона, иккита сайёҳлик фирмаси ишлаб турибди. Биргина ўтган йили қадимий масканга 14 миңдан ортқ сайёҳ келиб кетди. Хива тарихи ва бугунига оид манбалар ифодаланган шаҳарнинг ўзбек, инглиз ва немис тилларидаги янги харитаси дунёнинг 78 дан ортқ мамлакатларига тарқатилди.

Мустақиллик йилларида тарихий мейморчилик обидаларини қайта қуриш, маънавий қадриятларни тиклаш, асрий осори-атқаларни таъмирлаш, сақлаб қолиш, ҳақ декоратив амалий санъати, бадий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилляпти. Мазмун академияси ташкил этилиши ва 2005 йилда ЮНЕСКО қарорига му-

вофиқ бу илм-маърифат ўчоғининг миң йиллиги нишонланиши катта ижтимоий-сиёсий воқеадир.

Истиқлол шарофати билан саноят ишлаб чиқаришини янгилаш ва тарққиб унча моддий техник асос яратилди. Ин-

вестиция дастури амалга ошириляпти. Янги корхоналар бунёд этилиб, эскиларда қайта қуриляпти ва йўналишлари ўзгаририлмоқда.

Мехр ва муруват йилида олжаноб инсонларнинг кўрсатган саховати қалбларга бир олам ёруғлик бағишляпти, - дейди Хивадаги Мехрибонлик уйи директори Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак. - Шаҳримиз тадбиркорлари, корхона, ташкилот ва муассаса жамоалари тарбия масканини моддий ва маъ-

ШАРҚ ГАВҲАРИ, КЎНГИЛ МЕҲВАРИ

Хива - гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий аъналаримизнинг абадийлигини муҳассам этган бир мўъжизадир.

Ислом КАРИМОВ

навий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибдилар.

- Юртбошимиз юксак баҳо

- Хорижий шериклар ва сармоялар билан ҳамкорликда корхоналар, фирмалар ва компанияларнинг филиалларини очиб, жаҳон андозаларига хос харидорлар, рақобатбардор технологияларни яратиш, чет эл сармояларини олиб кириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган, - дейди биз билан суҳбатда турман ҳошими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты М.Мадаминов. - Инвестиция марказининг ишга туширилиши ва унинг ёрдамида 30 дан ортқ хорижий фирма ҳамда компаниялар республика ҳудудига ва ташқарида фаолият кўрсатаётган 20 дан зиёд халқаро ташкилот ва жамғармалар билан тўридан-тўри алоқа боғланиши туманининг иқтисодий қувватини оширишга хизмат қилмоқда.

Пахта тозалаш, мой олиш ва пиллакашлик санвати, қурилиш материаллари ва уй-қуриш анжомлари ишлаб чиқариш ривожланиб бораёпти. Маҳаллий саноят тараққий этмоқда.

«Хоразмверапласт»

келтирилган «Шлюмбергер» агрегатлари ёрдамида йилгига турли қалинликда, чиройли дизайнга эга ва юқори сифатли, 2,3 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 70 фоиз хорижга экспорт қилинмоқда. Бир йилда 30 миллиард сўмлик гиламлар тайёрланаёпти. Мингдан ортқ йигит-қиз доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги чет элда малака оширган.

Италиянинг «Фенко» компанияси билан ҳамкорликда қурилиб, ишга туширилган «Муқаддам» хусусий музқаймоқ ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулотларидан фақат Сайёд қишлоғи эмас, бутун хоразмликлар баҳраманд бўлишяпти. Рузмет Мадаминов номи ширкат ҳўжалигида фойдаланишга топширилган янги корхонада суткасига 500 килограмм шоколадли музқаймоқ тайёрланаёпти.

Утмишда Буюк илм йўлида Магриб ва Машриқдаги олис мамлакатларга турли-туман моллар ортлган қаровлар қатнаган. Эндилдаки хивалиқлар аънавий буюмлар

Истиқлол берган имкон



билан бирга болалар учун замонавий трикотаж кийим-кечаклар, жемферлар, катталар учун пуловар ва чарм курткалар ишлаб чиқара бошладилар. «Шодлик», «Давлат», «Сопол» акционерлик жамиятларида тайёрланган эркаклар куйлақлари, замонавий ўт олдиригилар, чинни ва сопол буюмлари, қандорлик, заргарлик намуналари истеъмолчиларга манзур бўляпти.

Урганч-Хива йўналиши бўйлаб қатнаётган троллейбуслар одамларнинг оғирини енгил, мушкулни осон қилаёпти.

Жисмоний тарбия ва спорт кундалик машғулотга айланган. Ҳар бир ширкат ҳўжалигининг ўз стадиони, шаҳарда йирик спорт соғломлаштириш мазмуи, бассейни, марказий ўйингоҳ, замонавий теннис корти бор. Мавжуд 3 та спорт мактабиде иқтидорли ёшлар камол топмоқда. «Хива» футбол жамоаси республика милли чемпионати биринчи лигасида катнашмоқда.

Соғлом авлод - юрт таянчи. Тиббий хизмат юқори даражада кўтарилган. 700 ўринли марказий касалхона, 6 та поликлиника, 10 та қишлоқ врачлик пункти, шошилинч тиббий ёрдам маркази, 20 дан ортқ дорихона, «Саломатлик маркази» фаолияти аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Япония ва Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан биргаликда алоқа хизматида туб бурилиши ясалди. Шаҳар ва туманининг исталган бурчаги-

дан дунёнинг барча мамлакатлари билан телефон орқали боғланиш мумкин.

Хивалик санъаткорлар ўз талантларини АКШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Туркия сингари кўплаб хорижий давлатларда намойиш этишляпти. Санъат, мусика мактаблари ва гимназияси, кўғирчоқ театри, «Хива нақшлари», «Достон» бадий хаваскорлик дасталари, 56 кутубхона, 17 клуб, шаҳар ва қишлоқ маданият уйлари аҳоли маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда. Навқиронликка юз тутган зейратгоҳ шаҳарнинг тарихий обидалари, табиати, одамларнинг жўшқин меҳнати, урф-одатлари, санъати, маданияти, мустақиллик йилларида қад ростилаган муҳташам иморатлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Улар бунёдкор халқнинг оруз-умидлари билан уйғуллашиб кетгандек. Ун нафур онахону отахонлар муқаддас ҳаж сафариде бўлиб қайтдилар.

Буюк истиқлолни яратиб берган, тинчлик, хотиржамлик, фаровонлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил туркиб куйдираётган Юртбошимиздан умрбод миннатдоримиз, дея дуога қўл очишудир. - Шундай дорилмон қўнлар бундан-да зиёда бўлсин, - дейди ҳожи оналар Дилором Жонибекова ва Мунаввара Аҳмедова.

Иззат ҲИҚМАТ,
«Ишонч» мухбири

Шаҳрисабз туманидаги «Сядо» очик турдаги хисадорлик жамияти раҳбарияти кейинги йилларда сон кетидан қувши натижасида омборда маҳсулот тақлиниб, иқтисодий қолоқликка туша бошляди. Жамият ушбу камчиликка барҳам бериш мақсадида ўтган йилнинг бошида йш, истеъдодли, ишбилармон мутахассис Омон Рамазоновни раисликка сайляди.

ТАДБИРКОРЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Корхона цехларига тадбиркор кишилар маъсул қилиб қўйилди. Фабрикага янги технологиялар келтирилди. Японияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари ўрнатилди. Шунингдек, «Тайс» фирмасидан 10 та «Брайер» тикув машинаси келтирилди. Хомадони олдидан «Оқсарой» қўшма корхонаси етказиб бермоқда.

Жорий йилда Жанубий Кореянинг «Тайсинг» фирмаси билан 500 000 долларлик трикотаж маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартнома тузилди. Ўтган йили жамият аъзолари 296 миллион 983 миң сўмлик кийим-кечак ишлаб чиқарди.

Хусусан, ўтган йилнинг ноябр, декабр ойларида корхонада экспорт қилиш учун кенг қўламда иш олиб борилди. Ярмаркаларда янги моделлар реклама қилинди. Натижада 112 миң долларлик трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинди. Ушбу кийим-кечаклар Америка Қўшма Штатларига юборилмоқда.

Бу яхши кўрсаткичларни қўлга киритилишида сифат комиссияси хизмати мақтовга сазовор.

Корхонада Шавкат Бердиев, Рашид Каримов, Исмаил Зейтов каби малакали усталар сурдо-педагоглар ҳам бор. Улар болаларга сўзлашиш кўникмасини шакллантиради. Марказ болаларни эшитиш мосламалари билан бепул таъминляди ва махсус интернатларга йўлланмалар беради.

Марказда олиб борилган тадбиркорлар шуни кўрсатадики, болаларнинг эшитмай қолгани асосан, ўткир юқумли касалликлардан кейин юзга келади. Иккинчи омил эса, антибиотиклар (геномицин, мономицин, панамицин) беоморнинг эшитув нервига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ҳали тили чиқмаган боллага антибиотик бериш жуда хавфли ҳолатларни келтириб чиқаради. Бундай касалликларга йўлқичининг яна бир сабаби, кўпроқ бизнинг республикага хос бўлган ҳолат - қариңдош уруғлар ўртасида турмуш қуришдир.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

ХОРАЗМ НАВОЛАРИ

«Турон» санаторийси пойтахтимизнинг энг сўлим ҳудудларидан бирига жойлашган. Ўзбекистон касабала уюшмалари куруртлар бошқармасига қарашли ушбу сийхатгоҳ маъмурияти бу ерга ташриф буюрганларнинг ҳар бир кунни самарали ва сермазмун ўтишига катта аҳамият қаратмоқда. Дам олувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам эътибор берилмоқда. Шу мақсадда танқили хонанда ва созандалар, адиб ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Комилжон Отаниёзов номидаги «Лаэги» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари билан учрашуви ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. «Хоразм наволари» деб номланган ушбу концертда, айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Гўлсара Ёқубова, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Мавлюда Ойнакулова, Отамурод Бекжонов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Нурулло Жуманиёзов, истеъдодли раққаслар Дифуза Отақулова, Дилноза Бердиевалар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Севара АБДУЛЛАЕВА

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти республикамиз аҳолисининг саломатлигини муҳофазалашда муҳим ўрин тутди. 1979 йилдан иш фаолиятини бошлаган мазкур даргоҳда бугунгача юртимизнинг турли бурчақларидан келган миңлаб беморлар соғайиб қайтишди. Бу улкан тиббиёт масканда 2 та клиника мавжуд бўлиб, биринчиси ички касалликлар, ревматология, неврология, педиатрия, эндокринология, болалар касаллиги бўлимларидан иборат. Иккинчисига эса хирургия, травматология, анестезиология, лор, болалар жарроҳлиги бўлимлари кирди.

—Тиббиёт масканимизда қўллаб ўз соҳасининг билимдон ва фидойилари меҳнат қилади, - дейди шифоконанинг кўз, томоқ, бурун касалликлари кафедраси мудири Абдумалик Ҳақимов. - Бўлимимиз ходимлари чорак асрдан бунён беморларга шифо улашиб келмоқда. Бу ерда 4 нафар тиббиёт фанлари доктори, профессор раҳбарлигида 10 нафар ассистент ва аспирант, 30 нафардан ортқ магистрлар иш олиб бормоқда. Талабалар билан барча ўқув-машғулотлари асосан шун ерда олиб бориляпти.

Ушбу бўлим замон талаблари даражасида жиҳозланган. Жумладан, Германия, Даниядан энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар келтирилган. «Соғлом авлод учун» жамғармасига болаларнинг эшитиш қўбилиятини текшириш ва тиклаш

Юртимиз шифо масканларида

мамлакатимизнинг олис қишлоқ ва туманларида аҳоли соғлигини муҳофазалашда жонқурлик кўрсатмоқдалар. Кафедранинг малакали мутахассислари санитариya-авиацияси орқали барча вилоятларга амалий ёрдам кўрсатиб туришляди.

Тиббиёт фанлари доктори А.Ҳақимов мазкур кафедреге етакчилик қилиш билан бирга Республика отоларингологиклар уюшмасининг раиси ҳамдир.

Шунингдек, кафедра қошида республика эшитишни тиклаш маркази ташкил этилган. Бу марказ эшитиш қўбилиятини пайсадан беморлар сонини аниқлаш, эшитишни пайсадан сабабларини ўрганиш, ташхислаш ва беморларни реабилитация қилиш ма-

ДАВО ТАШХИСДАН БОШЛАНАДИ

бўйича лойиҳа тақдим этилган эди. Ана шунга қўра, 1997 йилда грант қўлга киритилди ва Япония элчихонаси томонидан 50 миң АКШ доллари миқдориде маблағ ажратилиб, зарур анжомлар олиб келинди. Кафедранга асосий илмий йўналиши - аҳоли орасида эшитиш функцияси пайсадан беморларни даволаш ҳамда унинг олдини олишдан иборат. Бўлим ўз фаолияти давомида республикага 100 дан ортқ етук малакали мутахассислар тайёрляди. Бундан ташқари, шу ерда малака оширган қанчадан-қанча соҳа вакиллари

ЎЗАРО БЕЛЛАШУВЛАРДАН - ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИГА

Ўсиб келатган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар қалбида спортга кизиқиш, меҳр, иштиёқ уйғотиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан саналади. Виллоятимизда бу йўналишда катта қўлдамдаги ишлар амалга оширилмоқда.


Мана, учинчи марта Наманган республикада жисмоний тарбия ва спорт энг ривожланган вилоят сифатида тан олинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, сўнгги йилларда вилоятимиз спортчилари мамлакат ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон довуғини жаҳонга ёяётган Темур Сулаймонов, Муҳаббат Кандакова, Ольга Сон, Севара Қодирова, Елена Квятковская, Сергей Шмелёв, Рустам Мамажонов, Илҳом Раҳимов, ака-ука Бахтиёр ва Шўҳрат Бозоровлар сингари маҳоратли спортчилар билан бугун бутун вилоят ахли ҳақли равишда фахрланади.

Муваффақиятга эришишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун, энг аввало, спорт базаси мустаҳкам бўлиши талаб этилади. Бугунги кунда барча қўлайликларга эга 24 та ўйингоҳ, 173 та спорт зали, 22 та сузиш ҳавзаси, 571 та баскетбол, 1754 та волейбол, 375 та қўл түпи, 563 та футбол майдончалари, 60 та теннис корти, 1 та велотрек, 2 та отчопақ каби иншоотлар ишлаб турибди. Дадил айтиш мумкин, вилоятимиз кун сайин халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақалар ўтказиладиган масканга айланиб бормоқда.

Кейинги икки йил ичида «Навбахор», «Дўстлик», «Ёшлик», «Пахлавон», «Алпомиш», «Динамо», «Шоҳрух», «Дельфин», «Спартак» каби ўйингоҳларда ўнлаб халқаро ва республика миқёсидаги спорт беллашувлари ўтказилди. Мазкур спорт масканларида айни дамда 580 минг нафардан ортиқ киши шугулланмоқда.

Кейинги икки йил ичида «Навбахор», «Дўстлик», «Ёшлик», «Пахлавон», «Алпомиш», «Динамо», «Шоҳрух», «Дельфин», «Спартак» каби ўйингоҳларда ўнлаб халқаро ва республика миқёсидаги спорт беллашувлари ўтказилди. Мазкур спорт масканларида айни дамда 580 минг нафардан ортиқ киши шугулланмоқда.

Косонсой туманидаги «Кўкмиш» ширкат ҳужалиги спорт йўриқчиси Дилмурод Жуматов раҳбарлигида



ТРИАТЛОНЧИЛАР БИРИНЧИЛИГИ

Наманган шаҳрида триатлон бўйича ўтган мамлакат биринчилиги мусобақаларда элликка яқин спортчи иштирок этди.

У Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкоти вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Д.Тешаев, Е.Алексеев, И.Жўраев, И.Марозов ўз йўналишлари бўйича биринчиликни қўлга киритган бўлса, умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар ғолиб чиқди.

(ЎЗА)



СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

юксак оммавийликка эришилган.

Касаба уюшмаларига қарашли мавжуд 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида меҳнатқашларнинг 500 дан ортиқ фарзандлари 27 нафар устоз-мураббийлардан спорт сирларини ўрганмоқда. БУСМ тарбияланувчиларидан Нодир Юнусов Венгрияда ўтказилган карате бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги мусобақасида ғолиб бўлган бўлса, Бобур Юнусов фахрли ўринни эгаллади.

Вилоят касаба уюшмалари ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига эришиш бора-сидики қарор ва кўрсатмаларида келиб чиқиб, спортчиларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериш чораларини кўрмоқда.

Фулум ТОЖИМИРЗАЕВ, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси

Сўз - чемпионларга ҚИЗ БОЛА ШАШТИ

Учинчи синфда ўқитган пайтим эди. Шаҳар четиде яшайдиган бувиникига хабар олиб келиш учун бордим. Кейинишда бувини халтачани гилосга тўлдириб, «қаланингга олиб кет, маза қилиб бир тўйиб эсин», дедилар. Махалладан чиқиб кетганимда мендан ёши каттароқ икки бола йўлимни тўсиб гилосни ташлаб кетишимни талаб қилишди. Унамидим. Бариниб тортиб олиб қўйишди. Уйга йиллаб қайтдим.

Хафа бўлма, қизим, бозордан келтириб бераман, - дедилар онам юпатиб.

Мен, бариниб бир кунмас бир кун уларнинг адабини бераман, - дедим адолатсизликка чидамасдан.

Уша кўннинг эртасига одатдагидек машгулотлар охирида жисмоний тарбия дари бўлди. Дарс охирида домламан: - Мактабимизда карате тўғари оқиялпти, хоҳлаганлар қатнашшлари мумкин, - деб қолса бўладими! - Домламан, мен ёзилман, - дедим биринчилардан қўлимни кўтариб.

Бутун синф бўйлаб қўлги кўтарилди. Домла ҳам жилмайдилар. Кимдир эшиттириб шимиди:

Ҳақиқатдан ҳам тинимсиз мураккаб машқур билан ўтадиган машгулотларда қатнашиш осон эмас экан. Лекин инсон иродаси қўн нарсасига қодир. Агар у бирон бир ишга чин дилдан жазми қилдими, унинг удрасидан чиқши мумкин. Тўғри, аввалга қийин бўлди. Машгулотлар мураккаблигидан баъзан бутун борлигим парча-парчага бўлиб кетгандек туюларди. Бўш келмадим. Бора-бора кўникиб кетдим. Бир йил ўтган шаҳар спорт мажмуасига қатнаша бошладим. Дастлаб клуб, кейин мактабларо, ундан сўнг мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этдим.

Демокчиманки, инсон боласи бирор максад сари астойдил бел боғладими, иродаси мустаҳкам бўлса, унинг албатта удрасидан чиқши мумкин.

Гулбахор ДАДАБОВА, карате бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони

Спорт бугунги кунда вилоят маданият ҳаётининг ажралмас қисмига айланган бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Вилоятга йўналишга тушиб қолса, бу баҳо ҳаққонийлигига ўзингиз билан қатор спорт иншоотларига дуч келасиз. «Дўстлик» кўчаси бўйлаб жойлашган «Навбахор» ўйингоҳи, вилоят теннис корти, яна сал ўрмасингиздан «Пахлавон» спорт мажмуаси кўзга ташланади.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Салкам 2 гектар майдонни эгаллаган бу спорт мажмуаси муъжизали кўриниш олган. Халқаро андозаларга мос равишда 1998 йилда бунёд этилган бу иншоотда ёшлар катта теннис, баскетбол, волейбол, қўл түпи, бокс, кураш турлари билан шугулланишмоқда.

Қатор туманлар, ҳатто, ташкилот ва ҳужалиқлар қошида футбол, волейбол ва баскетбол жамоалари фаолият кўрсатапти. Айтиш мумкин, бугунги кунда қўлға хўжалиқ ва ташкилотлар ўзларининг спорт иншоотларига эга. Яқинда Наманган туманининг Тошбулак шаҳарчасида ажойиб теннис мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда барча спорт турларини ривожлантириш мақсадида 2002 йилда баскетбол, волейбол, қўл түпи бўйича Олимпия захиралари БУСМи иш бошлади. Шунингдек, Учқўрғон туманида спортга ихлос қўйган болалар учун мактаб-интернат ташкил этилди. Махаллаларда ҳам соғломлаштириш мажмуаларини ташкил этиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бўш ётган биноларда маҳалла болалари учун бокс, карате, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича секциялар очилиб, малакали мутахассислар томонидан машгулотлар олиб бориляпти. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган китая ўйинларида бокс бўйича Тўлашбой Дониёров, велоспортда Жадко Глеб, Владимир Тажолкилар муваффақиятли қатнашди. Таъқвондо бўйича Остона шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида эса Нодир Набиев биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳрида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда Нодир Юнусов кубок соҳиб бўлди. Умуман, вилоятда 700 нафар 1-разрядли, 110 нафар спорт устаси, 4 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланди. Айни пайтда вилоятнинг 12 та жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг олий табақаларида қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Нозимжон МАМАЖОНОВ, вилоят спорт қўмитаси мутахассиси

Дўст ачитиб гапирди

Фатхулла Хўжаев номидаги 26-ўрта мактаб Наманган тумани марказига кираверишда, шундоқ йўлнинг ўнг томонида жойлашган. Биз ушбу таълим муассасасига борган пайтимизда қўйиб жазирама-сида қўйиб ётган тупроқли майдоннинг четига қўйилган ўрнидакигина 5-6 бола чакчақлашиб ўтирарди. Саломлашиб ўрнидакининг бир четига жойлашдик.

ЎЙИНГОҲИ ЙЎҚ МАКТАБ ЁХУД ЎҚУВЧИЛАР ОРЗУСИ ҚАЧОН РЎБГА ЧИҚАДИ?

Вақтни бекор ўтказгандан кўра спортнинг бирон тури билан шугуллансанлар бўлмасми? Ҳали ёш сизлар, баданларингиз чинкилик-ку! - деб ҳазиллашдиқ ўқувчиларга қараб. - Биз ҳам жон деб шундай қилардик, аммо шароит чаток. Масалан, осиёлик десак турнир, волейбол ўйнаш учун тўп йўқ, - деб жавоб қайтарди гапга чечанроғи.

Майдон бўйлаб югурайлик десак, ёрдаги чангни кўриясиз-ку, сал чопмасимиздан тегирмончиға ўшаб қоламиз, - иккинчи бола гапга қўшилди. Ўқувчилар зийраккина, ҳозиржавобгина экан, шу боис гапимиз қовушиб кетди. Айниқса, уларнинг спортга ниҳоятда кизиқиши, спорт оламида яхшигина хабардор эканлиги бизга жуда маъқул бўлди. Ўқувчи ёшларнинг таъкидлашича, улар қўллаб оммавий спорт турларига кизиқар экан. Кейинги пайтларда боксга кизиқувчилар кўпайибди.

Аммо бунинг учун шароит этишмайди, - дейди ким билан сўхбатлашманг. - Машгулотлар ўтадиган залнинг поли йўқ, қуруқ бетон. Шунинг учун мабодо қаттиқ маш қилсангиз, терлаб шамоллаб қолишингиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Феврал ойининг сўнгги кунларида пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида болалар ва ўсмирлар ўртасида карате бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақада Наманган вилояти шарафини касаба уюшмалари 4-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг катта мураббийси Аюбжон Тошбоев бошчилигидаги ёш каратэчилар муносиб ҳимоя қилишди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 46 та жамоа, минг нафардан ортиқ ёш каратэчи қатнашган мусобақада вакилларимизга омад қўлиб бокди. Шахсий ҳисобда Ширин Зоҳидова, Алишер Хожиев, Нодир Юнусов, Гулбахор Дадабоевалар биринчи ўринни эгаллаб, чемпионлик унвонига лойиқ деб топилган бўлса, Акбарали Аҳмедов, Сардор Эргашев, Бехзод Алиев, Юлдуз Бурхонавалар кумуш, Соҳиб Дадабоев, Зоҳида Каримова, Жавлон Қодировлар бронза медалларига сазовор бўлишди.

Жамоа-қўмите бахсларида ҳам вакилларимиз ўзларини кўрсатишди. 1986-87 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасидаги бахсларда Нодир Юнусов, Сардор Эргашев, Бехзод Алиевлар иккинчи, 1988 йилда туғилган ўғил болалар ўртасидаги



Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Фахр



КАРАТЭ ЮЛДУЗЛАРИ

компьютер сабоғини олишяпти

боисдан кўплаб болалар ёшликданок спортнинг ушбу йўналишини танлашмоқда. Бугунги кунда клубимизда ўнлаб ўғил ва қиз болалар спортнинг мана шу жановор тури билан шугулланмоқда. Уларнинг номи мамлакатимиздан ташқари - қўшни республикаларда ҳам танилган. Жаҳон кубоги соҳиблари - Нодирбек Юнусов ва Бехзод Алиев, тенгдошлари ўртасида беш қарра Ўзбекистон чемпиони Гулбахор Дадабоева, шунингдек, Акбарали Аҳмедов, Сардор Эргашев, Хусниддин Қутпидиновлар бизнинг фахримиздир.

Клубимиз аъзолари шу йилнинг феврал ойи охирида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат ёш каратэчилари беллашувларида

Аюбжон ТОШБОВЕВ, вилоят карате клуби раҳбари

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134